

Ҳоким ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди



Бугун Қумқўрғон тумани 1-сектор худуди “Гулистон” маҳалласида навбатдаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Унда туман ҳокими Анвар Нормаматов ва муаммоларига ечим излаб келган 30 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Учрашувда ёшлар томонидан бир қатор муаммолар айтиб ўтилди. Хусусан иш билан таъминлаш, такорий экин экиш учун ер майдони олиш, тикув машинаси, субсидия, имтиёзли кредит олиш каби мурожаатлари йўлланди.

Мазкур учрашувда муаммоларига ечим излаб келган бир қатор ёшларнинг мурожаатлари шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Хусусан такорий экин учун ер со'раб мурожаат қилган ёшларга туман ҳокими томонидан ер ажратиб берилди.

Муддат талаб қиласиган мурожаатлар туман ҳокими томонидан назоратга олиниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.